Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 13 октябрь, № 214 (7716) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. Ва тегишли идоралар ва ҳудуд раҳбарлари интеллектуал мулк масаласига эътибор берди. Шу сабабли ихтирочи олим ва ижодкорларимиз хорижга чиқиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса ҳаридоргир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ.

Бўлган тақдирда ҳам аксарият ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари бўйича мурожаатлар илмий ишни тезроқ рўйхатдан ўтказиб олиш мақсадида қилинмоқда. Бу борадаги талаблар ҳам эскириб қолган.

Йиғилишда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди.

Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, патент эгаларини мукофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда йилига 4 минг 500 атрофида интеллектуал мулк объекти, жумладан, 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтади. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати сўнгги ўн йилда 35 та ихтирони рўйхатдан ўтказиб, уларнинг 16 тасидан 400 миллиард сўмдан ортиқ иқтисодий самара кўрган. Бу ишланмаларни бошқа давлатларнинг олтин қазиш корхоналарига сотиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Лекин бундай ихтиролар хорижда рўйхатдан ўтказиб келинмоқда. Чунки юртимизда қийматни баҳолаш тизими амалда ишламаяпти. Бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Шу боис Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мутахассислари билан баҳоловчилар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси йил биринчи чоракда саноат мулки патентлари платформасини яратиб, унга саноат тармоқларидаги интеллектуал мулк объектларини жойлаштириб бориш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртларининг интеллектуал мулк объектлари базасини яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўтган йили 400 га яқин ихтиролар, 110 та фойдали модель, 170 та саноат намунаси, 36 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлса-да, атиги 43 та илмий ишланма тижоратлаштирилган, холос. Шу боис бундай илмий ютуқларнинг "электрон ярмаркаси"ни ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

— Патент эгаларини тадбиркорлар билан боғлаш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бор-йўғи 72 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу жуда кам. Аслида эса имкониятлар талайгина.

Масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Марғилон адраси, Шеробод анори, Олтариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур брендларни ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш мумкин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий брендларнинг халқаро рўйхатдан ўтишини кўпайтириш, уларнинг халқаро бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Юридик университет ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунослик факультетларида тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқувлар ташкил этилиши белгиланди.

Тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиб, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

— Жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимизда Ўзбекистон овози жаранглаши керак, бренди бўлсагина маҳсулотларимиз ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллай олади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Айрим тадбиркорлар халқаро брендлар билан бир хил номни рўйхатдан ўтказиб олгани сабабли хорижий инвестиция келишига тўсиқ бўлаётгани кўрсатиб ўтилиб, бундай ҳолатларни тартибга солиш юзасидан кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо — юртимизда санъат ва адабиёт асарларидан муаллифнинг розилигисиз фойдаланиш, ундан даромад олиш ҳолатлари кенг тарқалган.

Мисол учун, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиб, ойлик тўлов ундирадиган онлайн кинотеатрларда 30 мингдан ортиқ кино, сериал, қўшиқ, мультфильмлар жойлаштирилган бўлишига қарамасдан, бундан муаллифлар моддий манфаат кўрмайди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Интеллектуал мулк агентлигига мамлакатимизда рўйхатга олинган кўнгилочар сайтлар, радио ва телеканалларни ўрганиб, муаллифлар манфаатларини таъминлаш вазифаси қўйилди.

— Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади, — деди Президент.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ахборот берди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДА ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, унга биродар тожик халқи фаровонлиги ва равнақи йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, Ҳукуматлараро комиссия қарорларини бажариш ҳамда бўлажак олий даражадаги учрашувлар учун янги кун тартибини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги вазият юзасидан қўшма баёноти қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга иккала томоннинг ҳам интилиши қатъий экани таъкидланди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ – ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Аёнки, 11 октябрь — Халқаро қизлар куни. Халқаро қизлар кунига (International day of the Girl Child) 2011 йил 11 октябрда БМТ Бош Ассамблеясида асос солинган. Бундан кўзланган мақсад турли мамлакатларда қизларнинг камситилиши муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб қилишдан иборатдир. Қизларнинг таълим олиши, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлардан, тиббий хизматдан фойдаланишига имкон бериш учун дунё аҳлининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳам бу сананинг моҳиятини ташкил этади.

Учрашув

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Гендер тенглик масалалари комиссияси томонидан ўтказилган учрашув ҳам Халқаро қизлар кунига бағишланди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Мамлакатимиз ривожида, жамият ҳаётида, оилалар мустаҳкамлигида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти катта, — деди Сенат Раиси. — Шу маънода, қизларимизга катта чақириқ билан чиқмоқчиман, яъни мен дунёга фақатгина она бўлиш учун, фақатгина турмуш ўртоқ бўлиш учун келдим, деган фикр бўлмаслиги керак. Бу фикр эллик фоиз қизлар учун бир томондан тўғри бўлиши мумкин, лекин қолган эллик фоизи ўзимни намоён қилишим зарур, билимим, салоҳиятим билан интилишларимни рўёбга чиқаришим керак, деган мақсад билан яшаши лозим.

Бунинг учун жамият уларга шароит яратиб бериши лозим. Қизларимиз олий маълумот олиб, ахборот-коммуникация тизимларида етакчи мутахассис бўлишлари шарт.

2

Халқ вакиллари — ҳудудларда

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбарининг сўнгги икки ой ичида амалга оширилган халқаро ва минтақавий ҳаёт, давлат ҳамда жамият тараққиётига дахлдор учта тарихий чиқиши жамоатчилик орасида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Яъни Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтган тантанали маросимдаги нутқларида нафақат миллий давлатчилик, балки умуминсоний қадриятларга мос барқарор жамиятни шакллантириш асослари очиб берилди.

Барча соҳа ривожини қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди ҳамда уларда илгари сурилган устувор ғояларни татбиқ этишда, албатта, маҳаллий Кенгашларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилигидаги депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Миришкор ҳамда Касби туманларида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига вилоятдан сайланган ёшлар билан, шунингдек, тиббиёт ва таълим муассасаларида мулоқотлар ўтказди.

2

Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЎКТАМЛИК ВА БОҚИЙЛИК БАЙРАМИ

Адоқсиз мамнуният билан айтиш лозимки, ҳозир Ўзбекистон ўз тараққиётининг тамомила янги босқичини бошидан кечирмоқда, истисносиз, барча соҳадаги кўламли ислоҳотлар ўзининг нақд натижаларини кўрсатмоқда. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган устувор ғоя асосида олға бораётган юртимизнинг минтақада ҳам, дунёда ҳам алоҳида ўрни тобора кенг эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам "янги Ўзбекистон" деган оҳорли ифода урфга кирди. Шубҳасизки, сўнгги уч-тўрт йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган бениҳоя кўламли, суръатли ва самарали ислоҳотлар мазкур истилоҳнинг замини эканлиги табиийдир.

Шукуҳ

Илму маърифатнинг, ақлу заковатнинг, фан дейиладиган муҳташам оламнинг кўҳна, қадимий бешиги бўлмиш юртимизда давлатимиз раҳбарининг иродаси билан таълим-тарбияга, илм-фанга фавқулодда улкан аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз яқинда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида тўла асос билан "Янги Ўзбекистоннинг остонаси мактабдан бошланиши"ни алоҳида таъкидладики, бу фикрнинг мазмуни бениҳоя теран ва масъулияти чўнгдир.

Француз адиби Анри Барбюснинг шундай ҳикматомуз гапи бор: "Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир; агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим".

3

Олий Мажлис Сенати

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳридаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ташкилий-ҳуқуқий таъминоти, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фуқароларга малакали хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилганлик ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ФХДЁ органлари Давлат хизматлари агентлигига ўтказилди.

Ўрганишлар жараёнида маълум бўлишича, ушбу идоралардаги моддий-техника жиҳозлари ва бошқа мулклар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ходимларга иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларнинг тўлиқ тўланиши, тизимнинг фаолиятини молиялаштиришга доир дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳисоб-китоб қилинган.

2

ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон таълим тизимининг ўзига хослиги нимада? Шахс шаклланишида мактаб, оила ва жамиятнинг ўрни қандай? Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида қандай эзгу мақсадлар ётибди?

Таҳлилларимиз шулар ҳақида.

Долзарб мавзу

Ички оғриқлар

Таълим жамиятга шахсни шакллантириб беради. Бу шахс давлат олиб бораётган ислоҳотлар жараёнларидан хабардор, ҳамқадам ва фаол бўлиши лозим. Шуни билиш лозимки, фуқаро дунёқараши жамият ва мамлакатда кечадиган жараёнлардан орқада қоладиган бўлса, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар "ишламайди", ҳар қандай назорат ҳам кутилган натижани бермайди. Қачонки фуқаронинг дунёқараши ва интилиши амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ва мамлакат ривожланади, акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди, жамият ҳаётида битта жойда депсиниш, турғунлик содир бўлаверади.

Эсимда, 1998 йилда Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олганимизда, японларнинг JIKA агентлиги икки ойлик семинар ўтказиб бўлгач, улардан: "Бизда ер ости ва ер усти бойликлари сероб, халқимиз ақлли, тиришқоқ ва меҳнаткаш бўла туриб, нега сизлардай ютуқларга эриша олмаяпмиз", деб сўраганимизда, "Муаллимнинг маошини уч баравар кўтарсангиз, ҳаммаси изга тушиб кетади, ҳатто коррупция ҳам камаяди", деган жавобни олган эдик. Орадан шунча вақт ўтиб, бу гаплар замирида нақадар улкан ҳақиқат мужассам эканини кўрмоқдамиз. Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббусига кўра, мактаб, лицей ва институт муаллимларининг маоши оширилиб, жамиятда ўқитувчининг обрў-нуфузини юксалтиришга эътибор қаратилаётгани нақадар тўғри қарор эканлигини англаб етмоқдамиз.

Ҳар бир мамлакатнинг тақдири муаллимга, таълим тизимининг сифатига боғлиқ. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўқитувчи — келажак бунёдкори! Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқаришига ақли ва тажрибаси етишмаслигини жадид боболаримиз жуда яхши англашган эди.

Жадидлар билган ички оғриқлар орадан юз йил ўтган бўлса ҳамки, миллий ривожланишга тўсиқ бўлиб турибди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 13 октябрь

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

1 Яқинда Олий Мажлис томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янги босқичга кўтарадиган яна бир қонун қабул қилинган эди. Яъни “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига маҳаллий Кенгашлар ҳузурида доимий асосда ишлайдиган котибиятлар ташкил қилиш, улар фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тартиблари акс этган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларни ўз ичига олган қонун ҳужжати қабул қилинди. Мазкур ҳужжат Кенгашлар фаолиятини янгича мазмунда олиб бориш, самарадорликни таъминлаш имконини беради.

Парламент аъзолари Миришкор ва Касби туманлари Кенгашлари депутатлари билан ўтказган мулоқотларида охирги тўрт йил давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги ўзгаришлар, вакиллик органларининг ҳудудлар ҳаёти билан боғлиқ масалалардаги иштирокининг фаоллашгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йиғилишларида маҳаллий бюджетларни тақсимлаш ҳамда унинг ижроси, соғлиқни сақлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳудудий дастурлар натижасига оид муҳокамалар тизимли кўриб борилмоқда. Айниқса, ҳокимлар ҳамда қатор бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботларини Кенгаш ҳузурида эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли тўғрисидаги саволга қуйидагича жавоб берди:

— Янги Ўзбекистоннинг сиёсий йўли сўзсиз демократия йўлидир. Мамлакат Президенти бу ҳақда бир неча бор таъкидламоқда ва ўз ҳаракатлари билан жамиятимизни тўғридан-тўғри ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги тизимига йўналтирмоқда. Бу тизим барча фуқаролар, уларнинг турли даражадаги депутатлардан иборат қонуний вакиллари давлат органлари фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириши, керак бўлса, бошқарувга одамларни ташвишга солаётган энг долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсад қилинган тузатишлар киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Президентининг миллий парламентимиз, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг назорат ваколатларини изчил кенгайтириш борасидаги ташаббуслари авторитар тизимдан демократик бошқарув тизимига қатъий ўтишни таъминлаш, давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг қонуний хатти-ҳаракатлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда таъсир ўтказиш имкониятларини яратишни кўзда тутади.

Мулоқотлар жараёнида давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга доир дастурий ташаббусларини рўёбга чиқариш, ўқитувчилар ва мураббийлар манфаатларини мустаҳкамлаш мезонларини ишлаб чиқиш борасида ҳам таклифлар билдирилди.

Таборак РЎЗИЕВА,
Халқ депутатлари Касби тумани Кенгаши депутати:

— Мамлакатимиз ҳаёти катта сиёсий воқеликларга бой бўлмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани, албатта, барчамизда ғурур уйғотди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур сессияда илгари сурган таклиф ва ташаббуслари нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам глобал аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида мактабларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилди.

Мен ўзим ушбу нутқдан руҳланиб, айтмоқчиманки, мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгалласа, шунда биринчидан, коррупциянинг олдини олган бўламиз, иккинчидан, мактаблардаги таълим сифатини яхшилашда янги-янги илғор ғоялар, тенденцияларни илгари сурган бўламиз.

Қолаверса, мактаб директорининг ўз дастури ижроси бўйича маҳаллий Кенгаш олдида ҳар йил якуни билан ҳисобот тақдим қилиши ва фаолиятига депутатлар томонидан холис баҳо бериб бориш амалиётини жорий этиш, педагогнинг мавқеи ва мақомини белгилаш мезонларини қонунчилик тартибида қайта кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашув чоғида коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатишга қаратилган қонун ҳужжатлари билан кўзда тутилган имтиёз ва енгилликларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳозирги пандемия билан боғлиқ мураккаб вазиятга қарамай, вакиллик органи фаолиятини бир муддат ҳам тўхтатмай, сайлов округларидаги муаммоларни онлайн алоқа орқали ҳал этишга эришиш ва аҳоли муаммолари билан ишлашни янада жонлантириш лозимлиги юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Суҳбат якунида давлат ва жамият олдидаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш йўлида Олий Мажлис билан маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг қашқадарёлик фаол йигит-қизлар ва Ёшлар парламенти аъзолари билан бўлиб ўтган бевосита мулоқоти савол-жавоб ҳамда таклифларга бой бўлди. Унда, хусусан, юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари ва бунинг амалий натижалари борасида ҳам сўз борди. Давлат бошқаруви тизимида қарорлар қабул қилиш жараёнларига ёшларнинг жалб этилиши катта ишонч ҳамда масъулият эканлиги, буни оқлаш, имкониятдан самарали фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшлар ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши учун барча имконият ишга солинмоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий майдонда ҳам навқирон авлод вакилларига кенг ўрин ажратиляпти.

Маълумотларга кўра, Қашқадарёда аҳолининг 31,5 фоизи ёки 1 миллиондан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Улар орасидан кўплаб салоҳиятли ёш олимлар, ишбилармон тадбиркорлар, моҳир спортчилар етишиб чиққани вилоятда ёшлар билан ишлашда самарали тизим йўлга қўйилганини кўрсатади.

Парламент Спикери Ёшлар парламенти аъзолари ва ёшлар ҳаракати фаолларига мурожаат қилиб, жумладан, шундай деди:

— Биз Президентимиз томонидан илгари сурилган юксак ташаббусларга муносиб бўлишимиз керак. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг эътиборини Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш зарурлигига қаратган бир пайтда, айнан бизнинг мамлакат бу масалада етакчилик кўрсатиши лозим. Ёшларимиз жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шароит яратилган.

Биз ёшларимизнинг ютуқлари, таълим ва тарбия даражаси билан бошқа мамлакатлар ёшлари учун ўрнак бўлишига интилишимиз керак. Биз минтақамизда ҳам, бутун дунёда ҳам ёшлар ҳаракатида етакчилик ролини ўйнайдиган олий маълумотли, ватанпарвар, мустақил фикрлайдиган ёшларни тайёрлашга қодирмиз.

Учрашув иштирокчилари шу йил август ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми ҳамда “Ёшлар — 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзуидаги халқаро анжуман ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди. Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббус — Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияга ўз таклифлари билан фаол қатнашди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мазкур ташаббуснинг глобал аҳамияти жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Қосимбек НЕЪМАТОВ,
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Бугун мамлакатимизда ёшларга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Ёшлар парламентининг ташкил этилгани биз учун улкан имкониятлар эшигини очди. Айни пайтгача ёшларнинг таклифлари алоҳида йиғилишларда, мажлисларда кўриб келинган бўлса, эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида — парламентда ҳам кўрилиши катта воқеа. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳам бизга ўзига хос мотивация берди. Ёшлар парламенти энди қонунларни ишлаб чиқишда алоҳида ташаббус кўрсатиши лозимлиги айтиб ўтилди. Энди ҳудудларга бориб ишлашимиз, ёшларимиз, тенгдошларимиз муаммоларини ўрганишимиз лозим бўлади. Бу жараёнда, албатта, ташаббускор бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Умумун, қашқадарёлик ёшларнинг қуйи палата депутатлари билан мулоқоти давомида ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда қабул қилинаётган қонунлар тарғиботида ёшларнинг иштироки, олий таълим муассасаларига қабул квоталари ва имтиёзлар тизимини оптималлаштириш, ёш новатор олимларга илмий даражалар бериш, давлат тилига эътибор ҳамда ишсизлик даражасини камайтиришда рақамлаштиришнинг ўрни, ахборот сегменти ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш маданиятини тарғиб қилиш, демократик дебат мактабини шакллантириш сингари кўплаб масалаларда таклифлар ўртага ташланди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

1 Шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш учун ундириладиган давлат божи, герб йиғими ҳамда пуллик хизмат тушумлари учун махсус ғазна ҳисобварақлари очилган.

Ҳозирги пайтда ФҲДЁ органларида масофани сақлаган ҳолда тўлиқ хизмат кўрсатилиши учун барча шароит яратилган. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва аҳолига ўз вақтида ҳуқуқий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳамда туманлар бўлимлари ходимларининг саломатлигини ҳимоялаш юзасидан зарур чоратадбирлар амалга оширилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ФҲДЁ органларида онлайн тўлов (биллинг) тизими жорий этилган. Шунингдек, мазкур идоралар махсус ҳисобварақларини назорат қилиш мақсадида хат, хабарнома ва аризаларни рўйхатга олишнинг электрон тарзда юритилиши йўлга қўйилган. Айни чоғда Тошкент шаҳридаги мавжуд 15 та ФҲДЁ органида фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган айрим хато ҳамда камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Хусусан, Яшнобод ва Бектемир туманлари бўлимлари бинолари Давлат хизматлари агентлиги балансига ўтказилмаган.

Бундан ташқари, айрим ФҲДЁ органлари билан бошқа ташкилотлар ўртасида электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилмагани одамларнинг ортиқча пул ҳамда вақт йўқотишига ва айрим ҳолларда коррупция ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, мажлисда бу тизимли муаммоларни бартараф этиш ва соҳа фаолиятини такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, мазкур масала юзасидан Сенатнинг Судҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Шу куни ўтказилган парламент юқори палатасининг мазкур қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши қўшма мажлисида ушбу вилоятдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолияти таҳлил қилинди.

Бугун Жиззах вилоятида 13 та ФҲДЁ органи мавжуд. Ушбу идоралар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган пуллик хизмат тўлови қайта кўриб чиқилиши ва ушбу маблағлардан ходимларга қўшимча устама ҳақ ажратиш, шунингдек, айрим ФҲДЁ бўлимларида иш ҳажми кўплиги, ходимлар томонидан фуқароларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш имкони бўлмаётганлигини инобатга олган ҳолда, қўшимча штатлар жорий қилиниши зарурлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди.

Фуқароларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида мазкур органларда сақланаётган далолатнома ёзувлари туман архивариуслари ва тегишли ходимлар томонидан “ФҲДЁ ягона электрон архив” ахборот тизимига киритилган. Айни чоғда ФҲДЁ органлари бинораларини Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси балансига ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Аммо Арнасой, Бахмал, Галлаорол, Шароф Рашидов, Зафаробод, Зомин, Пахтакор, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳар бўлимлари бинолари таъмирталаб ҳолатда. Қолаверса, барча ФҲДЁ органлари томонидан бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилмаган. Бу эса фуқароларга қатор ноқулайликлар туғдирмоқда.

Мажлисда ўрганиш давомида аниқланган шу ва бошқа камчиликлар сабаблари таҳлил қилиниб, муаммолар ечими юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди. Хусусан, ФҲДЁ органлари моддий-техника базасини хатловдан ўтказиш асосида уларга бинолар ажратиш, мавжудларини капитал таъмирлаш, замонавий компьютер жиҳозлари, видеокузатув мосламалари, тезкор интернет ва алоқа воситалари, бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига бир ой муддатда ФҲДЁ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматдан тушган пул маблағларининг муайян қисмини ходимларга устама иш ҳақи сифатида бериш ҳамда штат бирликлари бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Якунда Сенатнинг Судҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг мазкур масала юзасидан қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ТИЗИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ ЗАРУР

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни вояга етказиш соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мезонига айланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослашган ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, репродуктив саломатликни сақлаш, гўдаклар ва болалар ўлимининг олдини олишга қаратилган қатор қонунлар, Президент Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди.

Мазкур йўналишда бугунги кунда республиканинг барча ҳудудида перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари, туғуруқ бўлимлари, кўп тармоқли поликлиника, оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар депутатлар томонидан эътироф этилди.

Хусусан, аёллар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳамда бўлажак оналарнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари штат меъёрларини, умумий амалиёт шифокорларининг иш юкламаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини оптималлаштириш ҳисобига оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида акушер-гинеколог ҳамда педиатр, қизлар учун болалар гинекологи штат бирликларини жорий этиш таклифи билдирилди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан келиб чиқиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

1

Давлатимиз раҳбарининг юксак сиёсий иродаси туфайли ҳозирги кунда аёллар мамлакатимизда пешқадам бўлиб, масъулиятли лавозимларда фаолият кўрсатяпти. Охирги сайловда Қонунчилик палатасида 32 фоиз, Сенатда 25 фоиз, маҳаллий Кенгашларда 25 фоиз ўринга аёлларимиз сайланди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари таашаббуси билан хотин-қизлар масаласи, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маиший ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтидори ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз аҳолисининг 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар жамиятнинг барча соҳасида самарали фаолият юритмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, таълим йўналишида ҳам қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бу йил улар учун олий ўқув юртларида қўшимча қабул квоталари жорий этилди. Билимга интилган ёшлар, шу жумладан, қизларга олий маълумот олиш имконини бериш мақсадида 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий ўқув юртида сиртқи курслар фаолияти йўлга қўйилди. Бу, айниқса, қишлоқ қизлари ва аёллари учун катта имконият бўлди.

Шунингдек, қизларни эрта турмуш билан боғлиқ муаммолардан асраш мақсадида никоҳ ёши эркаклар ҳамда аёллар учун тенг — 18 ёш этиб белгиланди. Умуман, Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилиб, бу йўналишда мунтазам мониторинг олиб борилаётир.

Натижада сўнгги йилларда турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Айни пайтда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 300 дан зиёд хотин-қизларнинг 10 нафари ҳокимият тизимида, 30 нафари турли вазирлик, идора ва ташкилотларда, 70 нафари таълим тизимидаги бошқарув аппаратида фаолият юритяпти.

Учрашувда бу ҳақда сўз юритилар экан, мавжуд шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш қизларнинг ўзларига ҳам боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Ёшларни интилувчан ҳамда ташаббускор бўлишга, доимо ўз устида ишлаб, илм олишга, янги касбларни эгаллашга даъват этилди.

Тадбирда бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ТАРБИЯ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ УЙҒОНИШ КЎЗ ОЧАДИ

Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган теран маъноли фикри ёдимизга тушаверади. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эга.

Мушоҳада

Президентимиз томонидан халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Тарбия фанини яратиш ҳамда ўқитиш ташаббуси илгари сурилиши ҳам ана шу ҳаётий зарурат билан чамбарчас боғлиқ. Шу мақсадда мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиб, Миллий ғоя, Одобнома, Динлар тарихи, Ватан туйғуси каби фанларни бирлаштирган ҳолда, Тарбия фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мазкур ташаббус рўёби сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлда “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ҳозир шу асосда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти.

Маълумки, тарбия ўз моҳияти-эътибори билан миллий, умуминсоний ва гуманистик мазмунга эгадир. Ҳар бир жамият ўз олдига етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида барча ижобий, олижаноб фазилатларни бирлаштирган авлодни тарбиялашни орзу қилади. Тарбияси оғир, маънавияти қашшоқ ёки маънавиятдан маҳрум бўлган одамдан бирор эзгулик кутиш мумкин эмас. Чунки у яхшилик ҳамда эзгуликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган, жамият тугул, ҳатто ота-онаси, қариндош-уруғлари тақдирига ҳам бефарқ, лоқайд ҳолда яшайди. Тарбияли, маънавиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, келгуси ҳаёт ҳамда турмушнинг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилиши, шубҳасиз. Зотан, халқимизнинг “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган буюк мақсадига эришувида маънавияти юксак, баркамол инсонлар ҳар қачонгидан-да зарур.

Мазкур масала ўта долзарб бўлганлигидан барча замон донишлари ёшлар тарбияси ҳақида бош қотириб келган. Масалан, буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор. Ёки зардуштийлик уч асосий ахлоқий қоидага таянади: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”. Шу учаласига риоя қилган одам камолотга етган ҳисобланган. Имом Бухорий бу хусусда янада ёрқинроқ сўз айтган: “Боланинг табиати ривожланишга мойил бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ”.

Форобийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари барча замонда ҳам қимматли. У “Инсонда гўзал фазилатлар икки йўл — таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”, дея таъкидлайди. Олим, ўз навбатида, таълимда фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради. Шунинг учун ушбу ғоялардан жамиятнинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашда, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашда фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Навоий инсон қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегиши билан белгиланишини кўп марта такрорлаган. Шоир шеърларидан бирида:

Тут баргичалик қимматинг йўқми?
Ипак қуртичалик ҳимматинг йўқми?

— дея инсонни ўйлашга, ўйлаганда ҳам ўз ҳаётидан келиб чиқиб хулоса қилишга чорлайди. Шу икки сатрда инсоннинг дунёга келишидан тортиб, бу ёруғ оламда яшашнинг туб моҳияти очиб берилган.

Шоирнинг қуйидаги сўзлари ҳам таҳсинга сазовор: “Кишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андишаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлиши лозим. Кимнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема”.

Бу фикрларнинг туб негизида тарбия ётганлигини англаб олиш қийин эмас.

Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган “Туркий “Гулистон” ёхуд ахлоқ” асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз “Тарбия” фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур”.

Демак, англашиладики, биз Тарбия фанини яратишда узоқ-яқин ўтмишимизда яшаб ўтган улуғ зотлар меросидан, қолаверса, умуминсоний қадриятлардан унумли фойдаланишимиз керак бўлади. Ана шулар асосида яратилган янги фан фарзандларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Баркамол авлодни тарбиялаш орқали эса олдимизга қўйган улкан мақсадга эришамиз — мамлакатимизда учинчи Уйғониш кўз очади.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ

Фуқаро давлатдан қачон рози бўлади? Қачонки, давлат унинг чинакам хизматида бўлиб, оғирини енгил, узоғини яқин қилса, аҳолининг давлат идораларига ихлоси ортади. Акс ҳолда эса бюрократик иллатлар ортиб, жамиятни муаммолар гирдобига тортади.

Хушхабар

Шу жиҳатдан мамлакатимизда Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, аҳолига кўрсатаётган хизмат турларининг босқичма-босқич оширилиши сарсонгарчилик, оворагарчиликларга барҳам бериб, фуқароларга қулайлик туғдириш билан бирга турли кўринишдаги тамагирликларнинг ҳам олдини олмоқда. Эндиликда агентликнинг фаолият кўлами энг олис ҳудудларни ҳам қамраб, узоқ овул ва қишлоқлар аҳолисига мобиль хизматлар тақдим этилаётир.

Дастлаб мослаштирилган биноларда ўз фаолиятини бошлаган давлат хизматлари марказлари эндиликда ўзларининг шинам ва хизмат кўрсатишда халқаро андозаларни мужассам этган масканларига эга бўлмоқда.

Шундай марказлардан бири куни кеча Қизилтепа туманида ўз фаолиятини бошлади. Давлат билан тадбиркор ўртасидаги ҳамкорлик шартларига кўра, кўп қаватли иншоотнинг биринчи қаватига ДХМ билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қизилтепа туманидаги Халқ қабулхонаси, Республика Бош вазирининг қабулхонаси, туман адлия бўлими ва ФХДЁ идоралари жойлаштирилди.

Марказда бир вақтнинг ўзида 22 та хизмат кўрсатиш ойнаси мижозларга хизмат кўрсатади. Туман аҳолиси 152 мингни ва ҳар куни мурожаат этувчилар 150 — 200 кишини ташкил этиши инобатга олиниб, электрон навбат билан рўйхатга олиш шакллантирилган. Шунингдек, масканда фуқаролар учун кутиш зали, шинам қаҳвахона, мўъжаз китоб жавони, болалар майдончаси ҳам ташкил этилган.

Мухтасар айтганда, бу ерга келган киши бир дақиқа вақтини ҳам бехуда сарфламаслигининг барча чораси кўрилган. Муҳими, марказ фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат хизматига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришининг аниқ ҳисобкитоблари олинган. Мисол учун, 2019 йилда туман давлат хизматлари маркази орқали 60 мингга яқин фуқаролар давлат хизматига эҳтиёж сезган бўлса, 2 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса аҳолига хизмат кўрсатиш сони 27 мингтадан ортди, 1000 га яқин тадбиркорлар эса ўз фаолиятини янгидан бошлади. Бу пандемия шароитининг статистикаси. Ҳаёт ўзининг анъанавий ўзанига қайтгач, хизмат кўлами ва миқдори ошиши, шубҳасиз.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЎКТАМЛИК ВА БОҚИЙЛИК БАЙРАМИ

1

Мактабда, таълимда, умуман, одамнинг бу кўҳна дунёда истиқомат интизомини ичдан ишғол қилишида тилнинг фавқулодда алоҳида ўрнини бошқа ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Бугун ўзбек тилининг мамлакатимизда давлат тили сифатидаги ривожини таъминлаш борасида ҳам чинакам янги давр бошланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали байрам тадбирида сўзлаган тарихий нутқида жуда катта ифтихор билан шундай деганди: “Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради”. Президентимиз ана шундай йирик тиллардан бири бўлмиш ўзбек тилининг ўтган йиллар давомида давлат тили сифатидаги ривожи жараёнларини таҳлил қилиб, бу жараёнларга жадал суръат ва сифат бахш этишга қаратилган тадбирларнинг тамоман янги тарҳини чизиб берди. Бу тарҳнинг мақсад-муддаоси мазкур нуқтда лўнда қилиб шундай ифодаланди: “Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим”.

Бу чинакам тарихий нутқ сўзланган куни Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам имзоланган бўлиб, унда тилимизнинг мўътабар мақомига муносиб тарзда камол топишини таъминлаш борасида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар аниқ-аниқ, муддату масъуллари кўрсатилган ҳолда белгилаб берилган. Айни шу ҳужжатда бир қанча ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган, Ўзбекистон Республикасининг бу ҳақдаги Қонуни қабул қилинган.

Президентимизнинг айни шу Фармонида бениҳоя ўринли таъкидланганидек, “бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”. Бу таъкид замиридаги холислик ва одиллик ишорасини ҳар қандай одам идрок этади, бу баъзи нодўст ёки дўсти нодонлар кўнглида ғимирлаши мумкин бўлган турли ноўрин иштибоҳу ғуғуларга йўл бермайди. Яъни ўз тилини эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ҳар қандай халқ ёки давлатнинг ўз иши, миллий манфаат муҳофазаси — бировнинг арпасини хом ўриш дегани эмас.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли” бўлган тилимиз мазкур мўътабар рутбага ноил бўлган кунни — Ўзбек тили байрами кунини бутун халқимиз, мамлакатимизнинг кўп миллатли фуқаролари катта шодиёналик билан кенг нишонлаш тадоригини кўришга киришган.

Ўтган ойда давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида маъруза қилиши юртимиз фуқароларининг барчасини бирдай бениҳоя хурсанд қилди, ҳаммамизнинг кўнглимизда ифтихор туйғуларини жўш урдирди. Икки юзга яқин давлатларнинг ваколатли расмий тамсилчилари иштирокидаги бундай нуфузли миллатлар машварати-да бизнинг мустақил давлатимизнинг мустақил ва мўътабар тили — қадимий ўзбек тили янгради. Давлатимиз раҳбари муаззам халқаро мажлисда янги Ўзбекистоннинг орзу-ниятлари, бугун бутун инсоният олдида турган муаммоларнинг ечимлари борасидаги нуқтаи назарларини ўзбек тилида айтиб берди.

Юртбошимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “ўзбек тили халқаро минбарларда баралла янграётгани”, “хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаяётгани” мамнуният билан қайд этилган. Аммо энг қувонарлиси шуки, бундай мўътабар минбарда — Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзбек тилининг жаранглаши илк тарихий воқеадир. Буни хориждаги дўстларимиз ҳам хурсандчилик билан эътироф қилиб турибди.

Ўзбек тили байрами арафасида Ўзбекистоннинг миллатларнинг олий минбаридан туриб дунёга ўз тилида мурожаат қилиши халқимиз учун беҳад ифтихорли, мустақиллигимизга монанд тарихий ҳодисадир. Таъбир жоиз бўлса, Президентимизнинг қадимий, давлатимизнинг муқаддас тимсоли бўлган тилимиз тўйига тўёнасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ҳаётимизнинг барча жабҳасида тўлатўкис жорий қилиниши учун тегишли чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилган, бу мақомнинг мунтазамлиги учун давлат ва бошқа ташкилотлар, фуқароларнинг масъуллик интизоми кўрсатилган мазкур Фармони қабул қилинганига роса бир йил тўлмоқда. Айтиш жоизки, бир неча ўн йиллар давомида тилимиз ривожи борасида ҳаракатга келолмаган механизмлар шу бир йилда фаол ва самарадор ҳаракатга келди.

Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамаси тузилмаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти самаралі фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Атамалар комиссияси ташкил қилинган, 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқилган. Деярли барча ташкилотларда раҳбарнинг маънавий-маърифий ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилинди, бу масалалар билан шуғулланадиган кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ташкил этилди. Давлат тилини ўрганиш, ўргатиш ва жорий қилинишини мунтазамлаштириш ишларининг янада яхшиланиши учун кўмак берадиган бир қатор китоблар нашр этилмоқда. Хусусан, мазкур департаментнинг буюртмаси асосида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан сўнгги бир-икки ойнинг ичида беш жилдли “Ўзбек тили изоҳли луғати”, “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмасининг янгиланган нашрлари, бошланғич синф ўқувчилари учун “Сўз сандиқчаси” номли изоҳли луғат каби китоблар китобхонлар қўлига етиб борди, шунингдек, “Халқаро терминоэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати”, “Ўзбек тилининг имло-ўқув луғати”, “Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминларининг изоҳли луғати” каби бир қанча китоблар нашр арафасида турибди. Ўзбекистоннинг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунини такомиллаштириш, унинг янги таҳririни тайёрлаш юзасидан жиддий иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таркибида Социолингвистика бўлими ташкил этилди. Мазкур қарорда бу бўлимнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган: ўзбек тилининг ривожланиши билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ва кенгайтириш; ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасидаги илмий изланишларни кучайтириш; ўзбек тилининг ёзма матни меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш; ўзбек тилининг изоҳли луғатлари, давлат тилида иш юритиш бўйича қўлланма ва адабиётлар тайёрлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва ҳоказо.

Социолингвистик тадқиқотлар тилнинг ўз соҳиби ҳамда ўзи яшаётган жамият билан бақамти ҳаётининг норавшан пучмоқларига чироқ тутишга имкон беради. Бу маънода социолингвистика бугун дунёда энг истиқболли йўналиш сифатида устуворлашиб бораётган антропоцентрик тилшунослик ўзанларида ҳаракат қилади. Социолингвистик изланишларнинг илмий натижалари ва бу асосдаги тавсиялар мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги фаолиятини қонуний ҳамда ҳаққоний, холис ва ҳар тарафлама йўлга қўйиш, унинг мавқеи ҳамда нуфузини ошириш ишлари қўламини янада кенгайтиришни натижадор режалаштиришга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам тил тадқиқига социолингвистик ёндашув нафақат назарий, балки фавқулодда салмоқли амалий аҳамиятга ҳам моликдир. Айни пайтда кўп миллатли мамлакатимизда давлат тили, умуман, шакланган холис ва одил тил сиёсатида социолингвистика алоҳида ўрин тутади.

Президентимиз таърифи билан айтганда, “дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”. Ана шундай буюк қадриятимизнинг ўктамлик ҳамда боқийлик байрами шукуҳи ҳар биримизнинг қалбимизни ҳамиша нурафшон қилиб турсин. Бу шукуҳ ва ундан шукроналик янги Ўзбекистонни ҳеч қачон тарк этмасин!

Низомиддин МАҲМУДОВ, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор.

Журналист суриштируви

«Банан операцияси»

Дунёда ҳар йили ўртача 115 миллион тоннага яқин банан етиштирилади ва у барча мамлакатда ғоят фойдали мева сифатида истеъмол қилинади. Бу борада Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Бразилия, Эквадор, Филиппин сингари давлатлар етакчи ва ушбу мева экспорти орқали жуда катта даромадга эга бўлади.

Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона вилоятида кейинги йилларда барча цитрус мевалар каби банан етиштириш бўйича ҳам тажрибалар амалиётда синовдан ўтмоқда.

Таҳлилларга кўра, кейинги икки йилда Фарғона вилоятига четдан банан олиб келиш салмоғи сезиларли даражада ортди. Бу вилоятда ўзига хос йўлак, дарвоза очилганидан далолат беради. 2019 йилнинг январь — август ойларида вилоятга 971,4 минг долларлик 2 минг 362,2 тонна банан харид қилинган. Энг катта импорт Эквадор ҳиссасига тўғри келиб, ушбу мамлакатдан 2 минг тоннадан зиёд мева келтирилган. Шунингдек, Нидерландия, Россия, Туркия, Қирғизистондан (2019 йилнинг тўртинчи чорагида Мексикадан ҳам 120 тонна) мазкур мева вилоятга импорт қилинди.

2020 йилнинг январь — август ойларида эса хориждан 2 миллион 272,9 минг долларлик 5 минг 571,1 тонна банан меваси келтирилди. Пандемия шароити бўлишига қарамай атиги бир йилда Фарғонага хориждан банан импорт қилиш ҳажми жуда катта миқдорда ошди. Унинг асосий қисми, яъни 5 429,7 тоннаси яна Эквадордан олиб келинган бўлса, қолгани Россия (96,8 тонна) ва қўшни Қирғизистон (44,7 тонна) ҳиссасига тўғри келади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Интернетдан олинган маълумотларга қараганда, Россияда банан етиштирилмайди. Аммо жаҳон бозорига энг кўп маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатлардан бири бўлган Эквадорда етиштирилган ушбу меванинг қарийб 95 фоизи Россияга сотилади. Бундан кўринадики, тадбиркорларимиз Эквадор бананини биринчи қўлдан эмас, Россия бозоридаги воситачилар орқали олиб келишаётгани эҳтимолдан холи эмас. Боиси жаҳон бозорида у унчалик қиммат мева ҳисобланмайди. Лекин бизнинг бозор ва савдо дўконларимизда ҳамиша қиммат нархда сотилади.

— Айни пайтда Фарғонада 14 та тадбиркорлик субъекти четдан банан олиб келиш фаолияти билан шуғулланувчи импортчи корхона сифатида рўйхатга олинган, — дейди вилоят божхона бошқармасининг ташқи савдо операциялари мониторинги ва статистикаси бўлими катта инспектори Азизбек Абдуҳолиқов. — Таъкидлаш ўринлики, “Wellex agro”, “Kontinenet Optimal Trade”, “Universal Pariners Group”, “Havvo Group” сингари корхоналар Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган бўлиб, улар мамлакатимизнинг турли вилоятларида тадбиркорлик фаолиятини юритишади. Аммо бу корхоналарнинг импорт операциялари, товар айланмаси ҳажми вилоятимизда қайд этилади.

Билим ва ҳунар ҳамиша асқатади

Навоий вилоятида Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан 307 та маҳалла фуқаролар йиғинидан жами 1 минг 535 нафар хотин-қизни турли касб-ҳунарга ўқитиш режалаштирилган.

Бандлик

Хусусан, Хатирчи туманида ҳам 68 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан “темир дафтар” рўйхатида бўлган 340 нафар хотин-қиз 18 та йўналиш бўйича касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

Яқинда курсни тугатган хотин-қизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида туманда янги очилган тўқувчилик фабрикасига бизнес-саёҳат ташкил қилинди.

Лойиҳа давомида ўқув курсини муваффақиятли тугатган 30 га яқин хотин-қизлар ушбу корхонага ишга жойлаштирилди. Шунингдек, хатирчилик Мунира Ҳамроеванинг мурожаати ўрганилиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

«Халқ сўзи».

180 ўринга 281 йигит-қиз даъвогар

Пахтаобод туманида янги ташкил этилган касб-ҳунар мактаби фаолият бошлади. Эндиликда бу ерда йигит-қизлар 6 та йўналиш бўйича ҳунар ўрганишлари мумкин.

Иштиёқ

Гарчи мактаб 180 ўринли бўлса-да, унда тахсил олишни ихтиёр этган мактаб битирувчиларининг сони 281 нафарга етди. Бу эса, ҳудудларда бу каби таълим йўналишларига эҳтиёж катта эканлигидан далолатдир.

— Болалигимдан либослар дизайнери бўлишни орзу қиламан, — дейди 18 ёшли Сарвиноз Аҳмадалиева. — Бироқ ушбу йўналиш бўйича вилоятимизда ўқув юртлари мавжуд бўлмаганлиги боис ижтимоий тармоқлар орқали сабоқ олишимга тўғри келди. Янги ташкил этилган касб-ҳунар мактабида либослар бўйича рассомлик йўналиши мавжудлигини эшитиб, тахсил олишга қарор қилдим. Ниятим — келгусида ўз чевархонамни ташкил этиб, ўнга яқин тенгдошларимни иш билан таъминлаш.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

2020 йил 27 октябрда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Андижон вилояти бошқармаси томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«Nexia-Dons»	2014	60 076 UAA	0309704
2.	«УАЗ 31514-12»	2008	60 415 BAA	0308855
3.	«УАЗ 315142-012»	2008	60 394 UAA	0308856
4.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 387 UAA	0310674
5.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 466 BAA	0310238
6.	«УАЗ 315142-017»	2003	60 420 BAA	0310226
7.	«УАЗ 315142-017»	2003	60 395 UAA	0310231
8.	«УАЗ 315142-012»	2008	60 385 UAA	0310239
9.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 437 BAA	0310234
10.	«УАЗ 31514-12»	2008	60 414 BAA	0310433
11.	«УАЗ 31514-012»	2009	60 511 GAA	0310223
12.	«УАЗ 315142-017»	2003	60 464 BAA	0310227
13.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 417 BAA	0310230
14.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 396 UAA	0310229
15.	«УАЗ 315142-017»	2003	60 389 UAA	0310225
16.	«УАЗ 31514»	2001	60 863 SAA	0310434
17.	«УАЗ-396259»	2008	60 425 BAA	0310224
18.	«УАЗ 31514-12»	2008	60 412 BAA	0310431
19.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 512 GAA	0310679
20.	«УАЗ 31514-012»	2006	60 419 BAA	0310233
21.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 374 UAA	0310228
22.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 509 GAA	0310677
23.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 456 BAA	0310237
24.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 508 GAA	0310676
25.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 507 GAA	0310681
26.	«УАЗ 31514-12»	2008	60 413 BAA	0310432
27.	«УАЗ 31514-12»	2008	60 416 BAA	0310435
28.	«УАЗ 315142-012»	2010	60 506 GAA	0310675
29.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 615 UAA	0310680
30.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 442 BAA	0310235
31.	«УАЗ 315142-012»	2008	60 386 UAA	0310240
32.	«УАЗ 315142-012»	2009	60 510 GAA	0310678
33.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 418 BAA	0310232
34.	«УАЗ 315142-012»	2006	60 445 BAA	0310236
35.	«Газ 5204 АЦ» (Бензавоз — ёнилғи ташувчи)	1983	60 432 BAA	0308854

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 17-уй. (Мўлжал: Марказий банк биноси).

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«https://www.e-auksion.uz»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

4874//

ШУНЧАЛИК КЎП ИСТЕЪМОЛ ҚИЛЯПМИЗМИ?

ЎЗИМИЗДА ЕТИШТИРСАК БЎЛМАЙДИМИ?

Табиий дармондориларга бой, инсоннинг иммунитетини кўтарувчи, ҳамиша харидоргирлиги ва бошқа шу каби ноёб хусусиятлари туфайли жаҳон бозорида қадрли бўлган бананни вилоятимизда етиштириш мумкинми?

Қизиқ, жорий йилнинг январь — август ойларида вилоятга олиб келинган 5,5 минг тоннадан ортиқ бананнинг ҳаммаси ички бозор учунми ё бу ерда бошқа мақсад кўзланганми?

Ўрганишлар жараёнида вилоятдаги ўнлаб деҳқон бозорлари масъуллари, сотувчилар, савдо мажмуалари, супермаркетлар эгалари билан суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича, бозорлар ва супермаркетларда йирик миқдорда банан сақлашга ихтисослаштирилган омборхоналар йўқ. Ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан ҳафтада бир-икки маротаба Тошкентдан юк машинасида банан олиб келиниб, шаҳар-туманларга тарқатилади. Қиш мавсумида эса олиб келиш ҳажми бир неча марта кўпаяди.

Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган импортчи корхоналар четдан келган маҳсулотни бир муддат пойтахтдаги ихтисослаштирилган омборхоналарда сақлаб, кейин республикамиз бўйлаб тарқатади.

— Тажриба хўжалигимизда лимон, киви, мандарин, апельсин, банан сингари цитрус меваларни маҳаллий иқлим шароитимизга мослаштириш учун илмий-амалий тажрибалар кенг йўлга қўйилган, — дейди Учкўприк туманидаги “Меҳригиё” корхонаси иш юритувчиси Ҳожиакбар Абдураззоқов. — Киви худди ўзимизнинг узум сингари табиий ҳолатда пишяпти. Меҳнати оғир эмас, совуқ об-ҳаво ва турли касалликларга чидамли. У бозорларимизда ўртача 30 — 35 минг сўмдан сотилади.

Аммо юзлаб навлари маданийлашган банан иссиқсевар мева, совуққа чидамсиз бўлгани учун унга алоҳида шароит керак. Президентимиз 2018 йили Андижон вилоятида 2 гектар майдондаги иссиқхонада ташкил этилган банан плантациясини кўриб, 150 — 200 тонна ҳосил олишни кўзлаётган миришкорлар меҳнатини олқишлаган эди. Фарғонада ҳам иссиқхона шароитида банан етиштириш имконияти жуда юқори. Олтинга тенг она заминимиз бор. Биз бундай қулай тупроқ-иқлим шароитидан фойдаланиб, яқин истиқболда нафақат банан етиштириш, балки экспортини ҳам йўлга қўйишимиз зарур.

Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Қува туманида томорқа миришкорлари банан етиштириш бўйича ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда ҳаракат қилиб кўришди. Дастлабки уринишлар у қадар кутилган натижа бермаган бўлса ҳам бизнинг шароитда банан етиштириш мумкинлиги исботланди. Яхши натижага эришиш учун ҳаётий тажриба ва илмий-инновацион ғояларни ўзаро уйғунлаштириш керак.

Фарғоналиклар том маънода деҳқончилик илми миришкори. Бугунги кунда вилоятда тош-шағал ерларда ҳам гидропоника ва томчилатиб суғориш тизими асосида, аҳоли томорқаларида ихчам иссиқхоналарда интенсив усулда узум, гилос, қулупнай каби мевалар, полиз ҳамда сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш жадал ривожланяпти.



Хўш, жуда катта миқдордаги валютамизнинг четга чиқиб кетишига сабаб бўлаётган бананни нима учун Фарғонанинг ўзида етиштириш мумкин эмас? Бу иш улкан ва доимий даромад манбаи экан, астойдил ҳаракат қилиб кўришга арзийди. Нима дедингиз?..

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уюшма аъзоси, атоқли шоир

Саъдулла ҲАКИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси қўмита аъзоси Н. Х. Жумаевга онаси

Ҳабиба ЖУМАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 13 октябрь

ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

1

Шахс юксакликка етакловчи куч

Шахс жамиятда етакчи куч, аммо фикрлай бошласагина, у давлатга суянчиқ бўлади. **Собиқ шўро тузумида** таълимда фан предметлари миқдори ва ўқитувчи савияси талабга жавоб берса-да, **мактабнинг мафкуралашганлиги** давлатнинг ўзи каби жадал ўзгараётган тараққиётдан орқада қолди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин давлат томонидан таълимни ривожлантириш, уни дунёда ўсиб келаётган эҳтиёжларга жавоб беришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди, амалий ҳаракатлар ҳам бўлди. Аммо бу соҳа ҳам миллий давлатчилигимизнинг шакланиш жараёнида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга ўйғун ҳолда, кўзланган иқтисодий натижаларга эришиш мураккаб кечганлиги боис, шахснинг ҳар жиҳатдан юксалишига олиб келмади. Албатта, бу моддий-техника база ночорлиги ва собиқ тузумдан мерос қолган психологик муҳит, ўқитиш усулларининг эскирганлиги билан боғлиқ жараёнлар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги қарийб 20 йил эски бошқарув андоза ва шаклларидан воз кечиш, демократик қадриятларга ўрганиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Хусусий мулкчилик ва шахс эркинлигига берилган кенг имкониятлар истиқлолнинг энг асосий неъмати бўлса-да, фақат сўнгги йилларда бу ҳуқуқдан кечикиб фойдаланилмоқда.

2016 йил охирида Шавкат Мирзиёев эркин сайловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиб, ҳокимият тепасига келганидан сўнг, андоза ва шакллар бугунги замонга мослашди. 2017 йилнинг февраль ойида тарихий ҳужжат — Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди, бу — мамлакатни ривожлантиришнинг такомиллашган модели бўлди. Юртбошимиз фуқаро, шахс ҳуқуқларини кенгайтириш йўлида дадил қадамларни ташлади. **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!”** деган ғоя, шиор кўпчиликнинг кўнглидаги узоқ йиллик орзулар эди. “Шахс ким?” деган саволга жавоб топилди.

Ҳа, шахс — буюк ислоҳотчи, жамиятни орқасидан эргаштирувчи, қудратли куч. Агар шахсга рақобат муҳити яратилса, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинса, тадбиркорлик ишларининг ривожи учун ерлар, кредитлар ажратилиб, у ўзини-ўзи моддий ва маънавий таъминлашга ўта бошласа, бундан жамият ҳам, давлат ҳам катта наф кўради. Тўқ яшашни истаган тадбиркор, фермер, муҳандис, қурувчи ҳам, аслини олганда, илм ва маърифат зиёсидан озиқланган, ўқимишли, фикрловчи шахсдир.

Хитой, Япония, Сингапур каби давлатлар илм-фанни тизимли ривожлантириш, илм ва ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлаш, самарадор сиёсий тизимни яратиб, очиқ жамиятни қура бошлаганидан сўнг, инвестиция оқими мамлакатга оқиб кирди, қарабсизки, 30 — 40 йилда улар жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторидан ўрин олдилар. **Янгиланаётган Ўзбекистон** ҳам ҳозирда шу оқилона йўлни танлаган...

Билимсизлик – ёмонликлар манбаи

Мактаб – билим маскани. Болалик ва ўсмирликда олинган билим умр бўйи инсонга дўст, ҳамроҳ бўлиб хизмат қилади. Илм – шахс такомили, тараққиёт йўли демак. Алломаларимиз ёзишадики, билимсизлик – барча ёмонликлар манбаи, билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни тилаган бўлади. Бугунги ўқувчи ёки талаба, катта ёшдаги киши билимдон бўлса, мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бера олади, тўғри хулоса чиқаради ва ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлади.

Билимли, маърифатли, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили китоб — баланд чўққини эгаллашга қўйилган нарвонлардир. Бадиий, ўқув, илмий китоб ўқиш нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки дунёвий, диний саводхонлигимизни ошириб, ёзма ва оғзаки нутқнинг бойишига сабабчи бўлади. Мутолаани яхши кўрадиган, маданиятли киши билан суҳбат қуриш, ўзаро фикр алмашиш барчага завқ, ҳузур бағишлайди. Китоб ўқимайдиган одам ўзининг эмас, атрофдагилар, кўчанинг фикри билан яшайди, бошқалар кўрсатмасига асосан ҳаёти қандай ўтиб кетганини билмай қолади. Ёмон кўчаларга кириб қолиши осон кечади.

Мустақиллик йилларида билим олиш, китобхонлик бобида айрим муаммоларга дуч келдик. Хусусан: мамлакатда юзага келган иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги; одамларнинг кундалик ҳаёт эҳтиёжларидан маблағи ортмаганлиги; таълим (мактаб, коллеж, институт) моддий базасининг заифлашганлиги; билимли, тажрибали ўқитувчиларнинг таълим тизимидан бутунлай кетиб қолганлиги; таълимнинг нуфузи анча тушиб кетиши оқибатида ўсмир-ёшларнинг унга эҳтиёжи сўниб борганлиги, қизиқиши камайганлиги; **таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг ривожланмаганлиги**; мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтиши жараёнида бу қийинчилик олдида ёшларимизнинг билим олишга қизиқиши сўнганлиги ҳамда кундалик ҳаёт кечириш муаммоларига ўралашиб қолганлиги, албатта, ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бугун мамлакатимизда яна китоблар мутолааси маданиятини, нашр этиш ва тарқатиш ишини ривожлантиришга эътибор кучайганлиги замирида ҳам ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ётибди. Аммо республикамизда китоб савдоси тизимининг издан чиққанлиги, мустақил қоғоз саноатининг мавжуд эмаслиги омиллари жадидлар таъкидлаганидек, ноширлик, китобат тизимини заифлаштирди, айниқса, шоирлар, ёзувчилар, танқидчилар, таржимонлар ажойиб ғаройиб ғояларининг китоб ҳолида омма қўлига етиб бормаётганлиги ёшлар қалбида она юртини Навоий, Бобурдай чин юракдан севиш, ардоқлаш, жонини фидо қилиш туйғуларини шакллантириш жараёнини анча кечиктириб юбормоқда.

Бугун таълимга қўйиладиган талаблар

Олимларнинг таъкидича, кишида, аввало, бешта қобилият: кўриш, гапириш ва эшитиш, сезиш, диққат қилиш, фикрлаш яхши шаклланиши зарур экан. Аслида, фикрлаш ақлий меҳнатнинг бешинчи омили, яъни олдинги тўртта омилнинг бирга ишлаши демак. Бизнингча, мактаб муаллимининг асосий вазифаси ўқувчиларда ана шу фикрлаш санъатини эгаллаш, уни тезроқ шакллантириш бўлмоғи даркор. Бир аллома айтганидек, йигирма масалани бир йўл билан ишлагандан кўра, бир масалани йигирма йўл билан ишлаган афзалроқдир. Очиғи шуки, фикрламайдиган бола катта бўлса, ўз йўли ва мақсадига эришиши қийин кечади. Сабаби, фикр — инсон ботиний (ички) қиёфаси акс этган кўзгу ҳисобланади.

Фикрсизлик — маданият кушандаси, маънавий ўлим! Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди, дейдилар. **Фикр йўқ жойда оломонлик ва жоҳиллик кўпчийди.** Бу фикримизга дунёда бўлиб ўтаётган фавқулодда ҳолатлар гувоҳлик беради.

Энг ёмони, ўқимаган, фикрлашни хоҳламаган кишининг фарзандлари ва авлодлари ҳам шундай ҳолга тушади. Ўзбек мактаб тизимининг энг муҳим нуқсони, камчилиги кундалик ҳаётимизда ёшлар ўртасида мустақил фикрига эга бўлмаганларнинг пайдо бўлаётгани ҳодисаси. Бу ҳолатдан қутулиш учун боғча — мактаб — университетда “Тафаккур устахоналари” тизимининг ишлаши тарафдоримиз.

Жамиятда фикр бўлсагина, у янгиланади. Қотиб қолган ёки бир хил қолипдаги қарашлар ва фикрлар билан яшаш бир куни жамиятни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулга олиб келади. Европа тараққий этишдан олдин унинг фикри ва санъати, фалсафаси тараққий этди, у ижтимоий фикрга туртки ва қувват берди, хилма-хил “ўзлик”лар орқали хилма-хил ғояларга йўл очилди. Бу ғоялар ичида, албатта, иқтисодий, техникавий, илмий ғоялар ҳам бор эди. Европа ана шу фикрларга ва ғояларга йўл берди, уни амалга оширишга имконият яратди.

Европаликлар билим, маърифат, тенглик, фидойиликни устувор санаб, унга амал қилиб, Шарқ халқлари илм-фани, китоблари ила озиқланиб, XVI асрлардан сўнг, тараққий эта бошладилар. Биз эса илм мактаблари яратган ўлкадан, хом ашё етиштирадиган камбағал мамлакатга айландик. Нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади. Жавоблар ҳаддан зиёд кўп, аммо... раққиётдан орқада қолишимизга асосий сабаб таълим тизимида экан. Исломободдаги илмий-тадқиқот маркази профессори, доктор Фаррух Салимнинг фикрича, Халқаро ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 57 та давлатда 500 та университет, АҚШда 5578 та университет, бир миллион мусулмонга 230 нафар олим, АҚШда бир миллион кишига 4000, Японияда 5000 олим тўғри келар экан. **Мусулмон дунёси илм-фанга ялпи ички маҳсулотининг 0,2 фоизини, Ғарб эса 5 фоизини сарфлайди.** Буюк Британияда бир миллион кишига ҳар йили 2000 та янги китоб чоп этилса, Мисрда бир миллион аҳолига 20 та китоб нашр қилинади, демак, 100 баравар кам китоб ўқилади, дейди олим. Саудия Арабистони, Марокаш, Кувайт, Жазоир экспортининг 0,3 фоизи, Сингапур экспортининг 58 фоизи юқори технологияларга тўғри келади. Илм-фан, технологиялардан тўла фойдаланиш ва фойда кўриш ҳисобига АҚШ ялпи ички маҳсулоти 18, Хитой 16, Япония 4,2, Германия 3,4 триллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 57 давлатнинг бир йиллик умумий ялпи ички маҳсулоти 3 триллион долларга ҳам бормайди.

Бунинг устига глобаллашув шароитида яна бир маънавий хавф-хатар исканжасига тушиб қолдик. Тахминан 2000 йилдан бошлаб, интернет ёрдамида “оммавий маданият” ва оммавий тафаккурнинг ёпирилиб келиши миллий таълим ва тарбия ишини туб моҳиятидан чалғитди. Ҳақиқий маънавият, адабиёт, санъат, **илм ўрнини шоу-бизнес тафаккур тарзи эгалламоқда.** Телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлардаги енгил-елпи, савиясиз оломонга мўлжалланган, пул тўплашдан бошқа мақсади бўлмаган “сохта маданият” шу кунгача ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ғурур, дид ва фаросатимизни ўтмаслаштириб қўйди, назаримизда. Бундан, айниқса, билим ва маърифати заиф ёшларимиз кўпроқ маънавий жабр кўрмоқдалар...

Глобаллашув ота-оналарни ҳам ўз комига тортмоқда. Миллий кино, миллий адабиёт, хусусан, боғча, мактаб тизими у қадар ривожланмаганлиги боис Ғарб мафкураси турли йўл ва усуллар билан болалар ва ёшларни, ҳатто катталарни қизиқиш доирасига торта бошлади. Хорижий фильмлар мафкураси бизнинг миллий мафкура ва фикрлаш тарзимизга кўп ҳам тўғри келмаслигини яхши билсак-да, оилавий можаролардан иборат фильмлар (шахс дунёқарашини бойитувчи бадиий бақувват кинолентaларни Европа давлатларига, бизга эса саёзларини “совға” қилишади)нинг доимий истеъмолчисига айланиб улгурдик.

Мактаб ўқитувчиси ва оналар ҳам шу енгил-елпи киносериалларни йиллар давомида ўта қизиқиш билан кўрганидан кейин ўқувчи, фарзандининг кўнгли, раъйига қарши борармиди? “Ҳар бир оила ўз фарзандларини ҳар қандай мафкуравий тажовузкорликдан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриши керак”, деган эди буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов. Демак, бу борада ҳам маънавий “бўшлиқ” вужудга келганлигидан кўз юмолмаймиз.

Нобель мукофоти соҳиби бўлиш учун нима қилмоқ керак?

Жадид бобомиз Абдулла Авлоний “Ким нимани яхши кўрар?” номли бадиасида бундан юз йил муқаддам жамиятдаги ҳолатни шундай баҳолаган: “Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз янглиш... Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар”.

Ҳа, ўша вақтдаёқ, жамиятга ёт унсурлар кириб келган, мақсад сари интилиш ўрнига озгина чаласаводлигимиз туфайли “майдалашиш”, моддиятчиликка интилиш жараёни бошланган экан-да.

Японларда wa (уйғунлик) тушунчаси мавжуд. Мамлакатда сиёсий модернизация **“ялпи руҳияти — Ғарб техникаси” (вакон-ёсай) шиори** остида кечган. Бунда “вакон” анъанавий маданият, маънавий қадриятга боғланиб дунёни идрок этиш, “ёсай” — замонавий маданият, цивилизация маъносини англатади. Ялпи прагматизмининг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, анъанавий миллий қадриятларини сақлайди, эҳтимолий ҳалокатларни эҳтиёткорлик билан четлаб ўтган ҳолда, янгиликларни қабул қилаверади. Аҳолининг янгича шароитга мослашиш қобилияти: бошқа цивилизациялар унсурларини яхши ўзлаштириши, уларни ўз миллий қадриятларининг таркибий қисмига киритиши билан белгиланади. Улар 1950 йилларда Европа ва АҚШ технологияларини ўзлаштириш баравари да, миллий руҳиятини сақлаган ҳолда, Ғарбни иқтисодиётда қувиб ўтди. Бундай кўрсаткичлар илдизида эса илм-фан ва технология уйғунлиги ётади. Хитойлар ҳам, корейслар, немислар ҳам фақат шу йўл билан қолоқ давлатдан бой давлатга айланди. Таълим тизими уларни қутқарди ва юқори даражага олиб чиқди. Эртанги кун билимни чуқур эгаллаган жамиятларники бўлиб қолади. Биз ўзбеклар ҳам эътиборимизни илм-фан, таълим тизимининг ривожланишига қаратишимиз зарур, назаримда.

“Ўзбеклардан ҳам Нобель мукофоти совриндорлари чиқиши мумкинми”, деган саволга келсак, бунинг учун **илмга, илмлиларга, ўқитувчиларга рағбат тизими яратилиши** лозим. Юртимизда илк марта ташкил этилган Президент мактаблари, ижод мактаблари, математика мактаблари битирувчилари билими, ғайрати ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, ушбу орзу-ниятларимиз амалга ошади, деган умиддамиз.

Ривожланиш заминида маърифат ётади

Миллатимиз нимага эришса ёки қайси жабҳада оқсаса, унинг илдизида маърифат ва таълимнинг тараққиёти ёки оқсаши ётибди, деб айтиш мумкин. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг, таълим ва тарбия борасида мисли кўрилмаган ўзгаришларни амалга оширишни кўзламоқда. Бунинг сабаби маълум: мактаб, университет — жамият устуни!

Кейинги йилларда жаҳонда ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш, уни тубдан қайта ўзгартиришда аниқ йўналишлар пайдо бўлди. Уларнинг биринчиси, таълимни тубдан демократлаштириш; иккинчиси, узлуксиз таълим ғояси, сўнг “таълим — бир умрга” ғоясини “таълим — бутун умр давомида” ғоясига алмаштириш; учинчиси, бу нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятга онгли, фидойи инсонларни етказиб бериш; тўртинчиси, таълимнинг глобаллашувига эришиш; бешинчиси, таълимни ахборотлаштириш.

Мамлакатимизда таълим давлат сиёсати даражасига кўтарилган, қолаверса, миллатни асраш масъулиятини ўзининг зиммасига олган тизим. Бу борада сўнгги уч йилда юртимизда сезиларли қадамлар ташланди. Мисол учун, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, мамлакатимизда Президент мактаблари очилди. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитиш тизимини шакллантириш, маънавий бой ва **интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш кафолатларини таъминлаш**дан иборат. Республиканинг 14 ҳудудида биттадан очилаётган ушбу мактабларга умумтаълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари орасидан қобилиятли ҳамда иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилинмоқда. Президент мактабларига қабул Кембриж университети имтиҳон кенгаши (Буюк Британия) томонидан ўтказилмоқда.

Дунё тажрибасини кўрсак, Америка, Ғарбий Европа ва Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари тараққиётида, биздан фарқли равишда, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги, трансформация жараёнлари ўзаро боғлиқликда амалга оширилган. Мисол учун Германия — узоқ асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Эйнштейн, Гумболдт сингари олим ва ижодкорлари билан тилга тушган. Халқаро доирада эътироф этилган немис таълим даргоҳларида мустақил фикр, кенг дунёқараш шакланишига алоҳида эътибор берилади. Германияда мактабгача таълим муассасалари давлат тизимига кирмайди. Демак, фуқаролар бой, миллатни тарбиялаш масаласини ўзининг зиммасига олган. Болалар боғчаси жайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимият ҳамда черков васийлигида фаолият юритади. Шу сабабдан, **немислар боғчаларни “тафаккур устахонаси” деб атайди.**

Юртимизда ҳам доврўғ ёйган билим, маърифат масканлари анчагина. Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги математика лицей-мактаби шулар жумласидан. Неча йилдирки, мазкур мактабда таҳсил олган абитуриентларнинг 90 фоизи талаба бўлмоқда. Шу ўринда, **“Нега Қоракўл мактабидан 90 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига киради-ю, бошқа мактабларда бу кўрсаткич 45 — 50 фоизни ташкил қилади”**, деган ўринли савол туғилади. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, адолат принципига таяниб, ўқувчилар қабул қилинади ва таниш-билишликка йўл қўйилмайди; иккинчидан, дарслар Буюк Британия, Россия, Сингапур каби илғор мамлакатларнинг таълим дастурларига кўра, ишлаб чиқилган аниқ фанлар бўйича махсус дастурлар асосида ўқитилади; учинчидан, республика ва халқаро фан олимпиадаларининг ғолиблари бўлган малакали тренер-ўқитувчилар фаолият юритади. Улар умумтаълим мактабларининг 5 — 11-синф ўқувчиларини математика, физика ва кимё фанларидан шаҳар, республика ҳамда жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларига, Президент мактабларига тайёрлашади. Ҳозирги кунга қадар марказ ўқувчилари нуфузли жаҳон фан олимпиадаларида 2 та олтин, 8 та кумуш ва 10 та бронза медалларни қўлга киритишди. Муҳими, меҳнати ва кўрсаткичига қараб, ўқитувчиларга ҳам катта мукофот берилади; тўртинчидан, ютуқларнинг яна бир калити ўқув марказида ўқувчилар ва абитуриентларнинг билимларини назорат қилиш бўйича мунтазам мониторинг ва тизимли таҳлил йўлга қўйилган бўлиб, баҳолашда коррупция ҳолати юз бермайди.

Яқинда **қутлуғ даргоҳга Халқаро математика мактаби** мақоми берилганини эшитиб, роса қувондим. Эндиликда тажрибадан ўтган, шакланиб улгурган шу тизимнинг **тажрибасини** аниқ фанларга ихтисослаштирилган барча мактабларга қўлланилишини таклиф этган бўлардим.

Замонавий даражага кўтариш имконияти

Мақола бошида айтганимиз — японялик мутахассислар бундан 20 йил олдин Тошкентда орзу қилган вазифа ниҳоят рўёбга чиқмоқда: муаллимнинг иқтисодий муаммоси ҳал этилиб, ойлик маоши бирмунча ошмоқда. Ўқитувчи ўқувчининг барча қизиқиши, салоҳиятини кўра биладиган ҳамда юксалиши учун бор кучини берадиган жамиятда етакчи шахсга айланмоқда. Унинг вазифаси — болага билим бериш, ўқувчиларини индивидуалликдан маҳрум қилмаслик ва шахсий фикрга эга бўлишини ман этмасликдир.

“Мен ҳеч қачон ўз ўқувчиларимни ўқитмайман, бор-йўғи улар ўқиб-ўрганиши учун шароитни таъминлашга ҳаракат қиламан”, деган эди Нобель мукофоти соҳиби, физик олим Альберт Эйнштейн.

Дарсни қизиқарли ўтиш — санъат. Қадимги юнон файласуфи Суқрот: “Мен ҳеч кимга ҳеч нарса ўргата олмайман, бор-йўғи уларни фикрлашга мажбур қила оламан”, деганида мутлақо ҳақ эди. Демак, бир аср олдин тизимга мажбуран киритилган **ёдлаш усулларидан воз кечиш, ўқувчи ва талабани мустақил фикрлашга ўргатиш,** фикрини чархлашга доир бутунлай янги педагогик усулларни татбиқ этиш, ўқитувчини рағбатлантиришни ҳам давом эттириш вақти келди.

“Таълим тизимини, айниқса, олий таълимни коррупция иллатидан буткул ҳалос этишимиз зарур. Таҳлилларга кўра, олий таълимда коррупция ҳолатлари деярли барча босқичларда мавжуд, — деб баёнот берди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Сенатнинг 2020 йил августда бўлиб ўтган 6-ялпи мажлисида. — Таълим сифатида бу ҳолатлар салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини ҳам туширяпти”. Ўзбекистон олий ўқув юртлари бу рейтингда паст кўрсаткичга эга бўлмоқда. Бу ҳаққоний фикрлар, расмий баёнотлар тизимни замон талаблари асосида бутунлай қайта ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Тўғри, бугунги пандемия шароитида таълим соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг имконияти йўқ. Аммо бизнингча, вазият юмшагандан кейин олий ўқув юртларида ўқитишнинг сифатини юксалтириш учун бир қатор вазифаларни адо этиш тарафдоримиз. Жумладан: ўзлаштирмаган талабани курсдан курсга қолдириш, имтиҳонни (баллни) топширолмаган талабанинг ҳар бир ўзлаштирмаган фани учун расмий пул тўлашини таъминлаш; талабанинг эрталаб соат 9 дан то соат 17 гача олий ўқув юртида бўлиб, ўз устида тинимсиз ишлаши учун шарт-шароитни яратиш ва бошқалар. Булар ҳаммаси соҳада коррупциянинг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

Узоқ йиллик таҳлиллар ва тажрибадан келиб чиқиб, таълим тизимини такомиллаштиришга оид қуйидаги **таклифлар**ни ҳам билдириб ўтмоқчимиз: биринчидан, моддий базани кучайтириш; иккинчидан, ўқитувчининг моддий фаровонлиги ва нуфузини ошириш; учинчидан, жамиятда зиёли аҳлининг обрў-эътиборини янада кўтариш, хусусан, хорижга кетиб қолишларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш; тўртинчидан, хусусий таълимни ривожлантириш учун имкониятларни яратиш; бешинчидан,ўқувчи ва талабага билим бериш, ўқитишда асосий мезон сифатида тизимни мустақил фикр юритишга йўналтириш; олтинчидан, таълим тизимини замонавийлаштиришда миллийликнинг барбод бўлишига олиб келмаслигини таъминлаш кабилар стратегик вазифамизга айланиши лозим.

Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этади

Юртбошимиз 2018 йилдаёқ “иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда, олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир”, деб тизимни кескин танқид қилган эди. Шундан сўнг, таълимда сезиларли ислоҳотлар амалга ошганига қарамасдан, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси йўналишида ишлар охирига етказилмай қолди. Янги очилган Инновацион ривожланиш вазирлиги якка ўзи йирик саноат, ишлаб чиқариш, хизматлар соҳасига ихтироларни жорий этиш билан боғлиқ бу оғир масалани ҳал қилишга кучи етмайди.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилингани, парламент устуворлигига эришиш йўлида қадамлар ташлангани, вазирлик, ҳокимлик тизимларининг функциялари нодавлат ташкилотларига оширилаётгани жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Шу ўринда, мазкур сиёсий ҳужжатларнинг асосий ижрочиси бўлган халқимизнинг демократик асосий тушунчалари, бозор иқтисоди тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси ҳолати ҳақидаги чуқур таҳлилий маълумотларга катта эҳтиёж туғилмоқда. Бу келгуси ислоҳотлар режасини пухта ишлаб чиқишда жуда асқатади, деган фикрдамиз. Бизнингча, узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган **“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига муқобил бўлган марказлар** ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мамлакатимизда барча соҳада кечаётган жадал ўзгаришлар билан бир вақтда, фуқароларимиз онги, дунёқараши ва хатти-ҳаракатларида шаклланаётган янгича қарашлар, ўзгараётган Ўзбекистондаги янги босқичларнинг имкониятлари ана шундай институт ва марказларни ташкил қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу давр талаби, жамиятнинг эҳтиёжи.

Фуқаро — жамият — давлатнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаштириш бобида соҳибқирон Амир Темурнинг илм-фан, маърифатни ривожлантиришга доир инқилобий ислоҳотлари моҳиятини илмий ўрганиш, хулосалар чиқариш йўналишида ҳам қиладиган ишларимиз талайгина. Республикамизда **Амир Темур меросини ўрганиш илмий маркази** ташкил этилиб, бу тадқиқотларнинг натижаси ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда қўлланилишига эришсак, жамият ва фуқароларимиз ижтимоий фаолиятида маънавий-руҳий уйғониш, келажакка ишонч кайфияти пайдо бўларди.

Оққан дарё оқаверади

Кейинги йилларда умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, мактабгача таълим тизими янгитдан шакллантирилгани, мактаб, академик лицейлар фаолияти такомиллашуви, хорижнинг олий ўқув даргоҳлари очилиб, олий таълимга қабул квоталарининг кенгайтирилгани, устоз-мураббийларнинг моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилгани жамиятда муаллимнинг обрў ва нуфузини ошириб юборди. Шунингдек, атоқли шоир-ёзувчиларнинг ижод мактаблари, Президент мактаблари, Адиблар хиёбони ташкил этилди. Дарҳақиқат, жамият ҳаётида янгича қарашлар, ўзига хос ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Масалан, умумий ўрта таълим босқичида касбга ўргатиш тизими меҳнат бозори талабларига мослаштирилмоқда. Олий таълимда ҳам назария ва амалиёт бирлигига эришиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳаракатлар бошланган. Пировардида, ушбу ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг натижаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида тезроқ намоён бўлиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилажагига ишонамиз.

“Мен Сингапурда мўъжиза яратмадим. Мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим, — дейди Сингапур бош вазири Ли Куан Ю. — **Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим.** Давлатдаги “мўъжиза”ларни қилган инсонлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган, камтар авлодни етиштириб чиқардилар. Бунинг учун улардан миннатдормиз!”.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Таълим тизимининг ўзида минглаб ислоҳотлар, буюк ўзгаришлар навбат кутиб ётибди. Мамлакатимиз Марказий Осиёда “таълим марказ”ларидан бири бўлишга даъвогарлик қилмоқда. Бунинг учун халқаро рейтингларга кирган университетларимиз қани? Республикамизда илмий натижаларни, ихтироларни тижоратлаштиришнинг самарадор механизми ҳозирга қадар яратилмаганини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Биргина шу омилнинг ўзиёқ, қўшимча кўплаб маблағларни келтириб, университетлар, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг иқтисодий ривожи учун яхши хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқи бозори (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек, кино, адабиёт ва санъатга оид муаллифлик ҳуқуқи эгаларига сотилган, телеэфирга узатилган маҳсулотларига доимий ҳақ тўлаш) ҳам шакланмаган. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришининг талабларидан бири — муаллифлик ҳуқуқига эгаликни таъминлашдан иборат. Бу борада қўшнимиз Хитой ёки исталган давлатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, ўзимизда қўллашга нима халақит беради?

Бугунги кунда **республикамиз олдида анъанавий унсурлар ва ғарбий инновацияларни, ўзбек руҳияти ва Ғарб технологияларини ўзида бирлаштирган янги мамлакат қиёфасини шакллантиришдек муҳим вазифа** турибди. Ушбу модернизация жараёнида шахс ҳаракатлантирувчи, етакчи куч, локомотив бўлиб хизмат қилишини унутмайлик. Энг муҳими, мамлакатимизда жамиятнинг устувор тармоқларида йирик қадамларни ташлашга, ота-боболаримизнинг шавкатини тиклашга имконият мавжуд. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган жиҳатларимиз кўп. Аввало, жаҳон андозасига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрловчи **мукаммал таълим тизимини барпо этиш учун Хитой, Япония, Сингапур, Малайзия давлатларининг таълим тизими тажрибасини ўрганадиган илмий-амалий марказлар**нинг ташкил этилиши бу борада улкан қадам бўлади, деб ҳисоблаймиз.

“Оққан дарё оқаверади”, деган ҳикматда гап кўп. Кўп асрлик танаффусдан кейин алломалар етишган қадимий ўлкамиздан яна Самарқандийлар, Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Насафийлар, жаҳон эътироф этган олимлар ва ихтирочилар, етти иқлимни қалами билан олган маънавият арбоблари, диний уламолар етишиб чиқишига ижодий замин ва муҳит яратилгани миллатдошларимизга ишонч ва умид туғдирмоқда.

Бахтиёр ОМОНОВ,
сиёсий фанлар доктори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6